

Россияда масжид тасвири туширилган танга чиқарилди



09:53 / 07.09.2018 4736

Россия Марказий банки Чеченистон пойтахти Грознийга асос солинганининг 200 йиллиги муносабати билан 3 рублик юбилей тангасини чиқарди. Бу ҳақда Марказий банк матбуот хизмати [хабар бермоқда](#).

Кумушдан тайёрланган танганинг бир томонида Грознийда жойлашган Аҳмад Қодиров номидаги масжид, унинг ортида «Грозний-Сити» мажмуасидаги осмонўпар бинолар, энг охирида тоғлар акс этган.

Юбилей тангаси кўп эмас – 2 минг дона чиқарилган.

Грозний шаҳрига асос солинганининг 200 йиллигига бағишланган тантаналар жорий йилнинг 5 октябрида бўлиб ўтади.

